Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1996 йил 21 август, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 62 (6759)

Даъват

Узбекистон манфаати ҳар қандай шахсий манфаатдан баланддир. Ватанга хизматкор булайлик! Нақадар буюк замонда яшаётганимизни унутмайлик!

Ислом КАРИМОВ.

Ибрат

Яқинда Нурулла ҳожи Абдуллахон ўғли Яйпандаги 24-ўрта мактабга кўплаб совға-саломлар қатори бир бош наслдор сигирни бузоғи билан ва иккита қуй келтириб, «мана шу сизнинг мактабингизда чорвачилик фермасини ташкил этишга асос бўлсин», — дея оқ фотиҳа берди.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА 10 КУН ҚОЛДИ

Янги ўқув йилининг биринчи дарси Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига бағишлаб ўтказилади. Дарсни қандай шаклда ўтказишни белгилаб олдингизми? Унинг мазмунли ва самарали бўлишини таъминлайдиган далил ва рақамлар, кўрсатмалар, Давлат рамзларини ҳозирлаш, Мустақиллик моҳиятини аниқ талқин этадиган дарс режасини тайёрлаш асосий вазифадир.

Август кенгашлари: Навоий вилояти

АНЪАНАВИЙ АНЖУМАН САБОҚЛАРИ

15-16 август кунлари Навоий шаҳрида вилоят халқ таълими ходимларининг Мустақиллигимизнинг беш йиллигига бағишланган август кенгаши бўлиб ўтди. Биринчи куни тушгача йўналишли шўъбаларда йиғилиш ўтказилган бўлса, тушдан сўнг муаммоли шўъбалар йиғилиши бўлди. Уларнинг айримларига Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев қатнашди. Хусусан «Бозор иқтисодиёти шароитида жамият ижтимоий буюртмаси», дея номланиб, бу ҳақда халқ таълими ходимлари ўзаро фикр алмашдилар. Бунда собиқ совет давридагидек мезон — олий ўқув юртига кириш учунгина ўрта мактабда ўқитиш бугунги даврга умуман тўғри келмаслиги, энди ёшларга мустақил ҳаётда зарур бўладиган касб-кор ўргатиш, уларнинг жамиятга фойдалилигини ошириш таъкидланди.

Мактабларда бу йил янги киритилган иқтисод бўйича сабоқларнинг самарали ўтилиши ва бу борада қандай ўқув ишларини амалга ошириш мумкинлиги кенг муҳокама қилинди.

Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев иқтисодий сабоқларнинг мактабга кириб келиш сабаби, унинг аҳамияти ҳақида ғапирар экан, бу фикрлари натижасига боғлаб хориж сафарида кўрган бир воқеа ҳақидаги ҳикояси, айниқса, жуда ўринли чиқди.

— Францияда биз ўқув марказида маълум вақт бўлиб, улардаги тизимни ўргандик, — дея сўз бошлади вазир, — мазкур марказ меҳмонхонасининг соҳиби бўларди. У ўзини миллионерман дердию, лекин ҳар куни ўғлини кўча супураётганини кўрардим. Бир куни ундан:

— Бу қанақаси, ўзингиз миллионерман деб икки кундан буён гапирасиз, банкет қилиб берасиз, — дея ҳазиллашиб сўрадим. У менга эътироз билдириб деди:

— Бу тарбиянинг энг яхшиси, ўғлим яқинда бизнесмен бўлмоқчи, пул йиғиб қўйди. Мана шу супуриб юрган бола ҳадемай газета дўконини очади, бизнес қилади. Агар мен унга аввало миллион берганимда у тезда миллионларни йўқ қилиши табиий эди. Унга кўча супуриб, пулни қандай топиш, яратиш, яъни уни яратувчиликка ўргатяпман. Демак, банкротга учрамаслиги учун аждодидан қолган бойликни сақлаб, кўпайтириб кейинги авлодга қолдиряпти, деди вазир воқеага хулоса ясаркан.

* * *

Етти шўъбанинг барчасида ўзига хос муаммолар хусусида муҳокамалар бўлиб ўтди.

Эртанги кун бўлиб ўтган ялпи мажлисда халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев бўлиб ўтган ва муҳокама қилинган барча масалаларнинг туман ўқитувчиларига етиб бориши ва улар амалда қўллашгандагина мактабларда ижобий кўтарилиш бўлишини алоҳида таъкидлади ва қатнашувчиларга бу ишда умид билдирди. Вазир Навоий вилояти хатмани ҳокимлигининг халқ таълими соҳасига раҳбарлиги тўғрисида»ги маърузаси кўпчиликка маъқул бўлди. Навоий туман ХТБ мудири Наим Ўроқов, Навоий педагогика институти ректори Равшан Раҳмонов ҳам ўз мулоҳазаларини баён қилдилар.

Анжуман сўнггида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев вилоятдаги бир қатор халқ таълими ходимларига «Халқ таълими аълочиси» ҳамда вазирликнинг фахрий ёрлиқларини топширди.

Мазкур икки кунлик анжуман режаси бўйича қатнашувчилар жойларга чиқиб мактаблар аҳволи билан ҳам танишдилар. Айниқса, Навоий кон металлургия комбинатига қарашли «Дўстлик» давлат хўжалигининг 19-ўрта мактабга эътибори катта экан. Унда ўтган йили уч қаватли икки спорт залига эга замонавий мактаб қурилибди. Компьютер синфи ўрнатишибди. Хўжалик яна бошқа иш-

(Давоми 2-бетда)

ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМЛАРИ

Мамлакатимизда беш йил давомида мактабдан ташқари муассасалар сони 38 тага, улардаги ўқувчилар сони 256 мингдан 437 минг нафарга кўпайди.

***

1991—92 ўқув йилида фан олимпиадаларининг барча босқичларида 91 минг ўқувчи иштирок этган эди. 1995—96 ўқув йилида уларнинг сони 137 минг ўқувчига етди.

***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 407-сонли қарорига мувофиқ, Вазирлик республика банклар ассоциацияси билан ҳамкорликда «Махсус банк синфларини ташкил этиш ҳақида»ги қўшма буйруғи қабул қилинди. Буйруққа асосан 1996/97 ўқув йилидан бошлаб, республика вилоятлари мактабларида 36 та банк синфлари ишлайди.

Иқтисодиёт масалалари: «НАРХ ҚАНДАЙ ҲОСИЛ БЎЛАДИ?»

Бу ҳақда газетамизнинг 3-саҳифасида ўқийсиз.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

❀ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пойтахтда спорт иншоотлари қурилиши билан танишди. Жумладан, Ислом Каримов «Пахтакор» спорт машғулотлари бирлашмасида, Олимпия шон-шуҳрати музейида олиб борилаётган таъмирлаш ишларини кўздан кечириб, уларнинг жаҳон андозаларига мос келишини таъминлаш лозимлигини таъкидлади.

❀ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзгўштсутсаноат» давлат уюшмаси корхоналарини хусусийлатириш, акционерлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори чиқди.

❀ Шунингдек «Тошкент шаҳри аҳолисига йўловчи ташиш транспорти хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор чиқарди.

❀ Бир йилдан кўпроқ вақт Афғонистоннинг мухолифчи «Толибон» гуруҳи қўлида асирликда бўлган «Аэросан» Қозон автокомпаниясига қарашли «Ил-76» самолёти экипажи ўтган шанба куни тутқунликдан ўз самолётлари билан қочиб, Абу-Дабига кўнишганди. Улар ҳозирда ўз ватанларига, яъни Россияга қайтиб келишди. Россия Президенти Б. Ельцин учувчиларга табрик хати йўллади.

❀ Мингга яқин Жанубий кореялик талабалар ўтган ҳафта икки Корейс давлатини бирлаштиришни талаб қилиб митинг ўтказишганди. Олти кундирки, унивеситет биносига яширириб олган талабалар ва полиция ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар давом этмоқда.

❀ БМТ минтақавий жазо чоралари муносабати билан Брундида ўз вакиллари миқдорини қисқартирди. Ҳозирча қочоқларга ёки улар оилаларига ёрдам берувчи агентликнинг 20 нафар ходими АҚШга олиб кетилди.

«ЛИЦЕЙИМИЗНИНГ ЎЗ ТАЛАБИ БОР»

Инсоният кўп асрлик тараққиёти даврида нуқул қоронгулик қўйнига қўл суқиб у ердан ниманидир ёруғликка олиб чиқади.

Албатта инсон хоҳ ижобий, хоҳ салбий кашфиётлар қилсин, унинг ҳамма-ҳаммаси ўқиш, интилиш — қисқаси илм ортидан. Ҳов ўша бир пайтлар қаламни тўғри ушлатиб қўйган жонкуяр муаллимнинг заҳматлари ортидан.

Пойтахтимиздаги республика нафис санъати лицейи ҳақида эшитганмисиз? Ушбу даргоҳ дарвозасидан чиққан йигит-қизларнинг ҳар қандай университету институт эшикларидаги «тўсиқ»лардан осонликча ўтиб кетаётганлиги ҳақида-чи?

Дарҳақиқат куни кеча мазкур даргоҳга кирувчи бу йилги ўқувчиларнинг синов имтиҳони бўлиб ўтди. Барча вилоятлардан келган ўқувчилар ўз билими, иқтидорини синаб кўрди. Бу ердаги кириш имтиҳонлари ҳам ўзига хос. Ўқувчининг нафақат билим савияси, балки дунёқараши, ақлий теранлиги ҳам суҳбат асосида аниқланилади.

— Бу йилги абитуриентлардан тушган аризалар сони ўтган йилгиларидан анча кўп, — дейди лицей директори Сўлмас Султонов. — Менимча лицейимизга бўлган қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бунинг сабаби ўз-ўзидан аён бўлса керак. Чунки бизнинг даргоҳда таълим-тарбия олган болаларнинг 90 фоизи олий ўқув юртларига кириши кафолатланган.

Суҳбат борасида кириш имтиҳонларида таниш-билишчиликнинг олди олинганми, деган саволимга Сўлмас ака енгилгина кулиб қўйди. Бу кулгининг замирини сиз тушуниб тургандек мен ҳам дарров англаб етдим. Қалбакилик билан ўқишга кирган бола бу ерда ўқиб кетолмас экан.

— Лицейимизнинг ўз дастури, талаби бор. Бу талабга жавоб бера олмаган бола бизда ўқий олмайди.

Ҳа, қанчалаб буюклар нафас олиб ўтган бу замин, ҳали бағридан яна кўплаб буюклар етиштиришга қодир. Бугун улар теграмизда улғайаяпти. Бунга сира шубҳа йўқ.

Алишер НАЗАР.



СУРАТДА: танлов жараёнидан лавҳа.

Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

ИШ БИЛГАННИНГ ЮЗИ ЁРУҒ

Ҳиммат камарини боғлаган ҳамон,
Чумоли енгади шерни бегумон.

Буюк файласуф шоир Бедилнинг бу сатрларидан англашиладики, инсонга ҳар бир ишда ҳиммат лозим. Бироқ ҳиммат камарини боғламоқ учун ҳам бир ҳиммат керак бўлади. Биз ушбу қайдлардан ҳамда халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султонов бошчилигида ўтган кузги — қишки мавсумга тайёргарлик жараёнини навбатдаги кузатиш натижаларидан шундай хулосага келдик ва ён дафтарчамизга ёзиб қўйдик: «Ҳикматда ҳикмат бор, ҳимматда ҳиммат».

Шундай қилиб, юқоридаги булоқ каби қайнаб чиққан фалсафаю асъасаларнинг кўзини, даставвал, Республика «Истеъдод» маркази очди.

Маълумингизки, бу марказнинг ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Унинг директори этиб психология фанлари доктори Ботир Қодиров тайинланган. Марказ фаолияти тўғрисида газетамиз бир қур маълумот берган эди (қаралсин: «Маърифат», 1996 йил, 31 июль).

(Давоми 2-бетда)

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

«МАРСЛИКЛАР» ИЗИ

АҚШ Миллий космик агентлиги бошчилигида бир гуруҳ олимлар Марсда ҳаёт мавжуд бўлган бўлиши мумкин, деган хулосага келдилар. Улар бунга 1984 йили Антарктикадан топилган метеоритдаги органик молекулаларни асос қилиб кўрсатмоқдалар. Метеорит қизил сайёрадан 16 миллион йил олдин узилиб кеттан.

ВАЪДАЛАР

АҚШ Президентлигига номзод бўлган Роберт Доул олий таълимни ислоҳ этмоқчи. Жумладан у олий таълим вазирлигини тугатиб, хусусий, диний ҳамда жамоат мактабларига кенг имкониятлар яратиб бериш ниятида.

ГУМБОЛТ ФОНДИ

Германияда жойлашган бўлиб, йилига мутахассис олимлар учун 500 та стипендия ҳамда илмий изланишлар учун 200 та мукофот ажратади. Фонд узининг бундай фаолияти билан кўплаб олимларнинг Германияга келиб ишлашларига эришмоқда.

НИЛМИ ЁКИ АМАЗОНКА

Перунинг Кайльома шаҳридан Яцек Палкевич бошлиқ илмий экспедиция Амазонка дарёсининг Анд тоғларидаги Мисми музликларидан бошланишини аниқлаш учун жўнаб кетди. Агар мақсад рўёбга чиқса, у ҳолда дунёдаги энг серсув ҳамда узун дарё (ҳозирча Нил—6671 км) Амазонка бўлиб қолади.

КОМПЬЮТЕР ОДАМ

Лондонлик Доминик Брайн дунё бўйича бўлиб ўтган тўсатдан айтилган нотартиб рақамларни эслаб қолиш шарти қўйилган мусобақада хотираси энг кучли инсон деб тан олинди. У бир соатда 1392 та нотартиб айтилган сонларни ёдда сақлаб қола олди. Брайн мунтазам математика билан шуғулланиб турар экан.

ЭНГ МУНОСИБ МАДАД

Маълумки, шу йилнинг 19 июнидан 4 августига қадар АҚШнинг Атланта шаҳрида XXVI олимпия ўйинлари бўлиб ўтди. Бу нуфузли мусобақаларда мустақил Ўзбекистон вакиллари ҳам баҳоли қудрат иштирок этдилар.

Президентимиз И. Каримов эса, яқинда Атланта ўйинларининг бир гуруҳ қатнашчиларини «Меҳнат шуҳрати», «Дўстлик» ордени, «Шуҳрат» медали ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлаш тўғрисида махсус фармойишга имзо чеккан эдилар.

16 август куни пойтахтимиздаги «Наврўз» саройида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг олимпиада совриндорлари ҳамда уларнинг мураббийларини тақдирлаш ҳақидаги Фармонини Президентнинг давлат маслаҳатчиси Т. Алимов ўқиб эшиттирди. Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Т. Тулаганов, А. Богдасаров, Д. Ёрбековлар Ўзбекистон Президенти ҳамда ҳукуматига бундай юксак ғамхўрлик учун чексиз миннатдорчилик билдириб, келгусида ҳам мамлакат спорти шаъни ва обрўсини доимо сақлашга интилиб яшаяжакларини алоҳида таъкидлашди.

Маросимда республика Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов иштирок этди.

Мухбиримиз.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

МАКТАБНИНГ «ПОСБОН»И

Олтинкўл туманидаги Навоий номли 16-ўрта мактабда иқтидорли ўқитувчи ва ўқувчиларга Андижон шаҳридаги «Посбон» фирмаси уч йилдан буён ҳомийлик қилиб келаётир. Бу фирма томонидан ўтган 1995-96 ўқув йилида 6 нафар ўқитувчи ҳамда 22 нафар ўқувчига 7000 сўмлик мукофот топширилди. Шунингдек, мактабнинг таъмирланиши учун 70 килограмм оқ бўёқ олиб берилди.

ЯРМАРКАДА ИШЛИ, ЎҚИШЛИ БЎЛИШДИ

Яқинда Акмал Икромов тумани ҳокимлиги ва республика «Камолот» жамғармаси ҳамфикрликда меҳнат ярмаркаси ўтказишди. Бу тадбир туфайли 100 дан ортиқ йигит-қиз билим юртларига, 150 дан ортиқ ёшлар эса пойтахтимиздаги турли завод-фабрикаларда ишлашга йўлланма олдилар.

30 ЁШЛИ ТУМАН ВА МАОРИФЧИЛАР

Шароф Рашидов тумани халқ таълими бўлими туман ташкил этилганлигининг 30 йиллигига бағишлаб шарқона услубда арк қуришга киришди. Объект туман маорифчиларининг ҳашар йўли билан йиғилган маблағи эвазига бунёд этилмоқда.

НОРИН — ЮТИБДИ БАРИН

Яқинда Наманган вилояти кутубхоначилар ўртасида «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг Уйчи, Чортоқ, Янгиқўрғон, Учқўрғон, Норин каби туманлари фаол қатнашдилар.

Натижалар эса Норин туманининг биринчи, Учқўрғон туманининг иккинчи, Уйчи туманининг эса учинчи ўринларни эгаллаганлигини кўрсатди.

МУАЛЛИФЛАР: Ш.КЕЛДИЕВ, Г.ЎСАРОВА, А.БОЙЖИГИТОВ, Г.ҚУРБОНОВА.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ: НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

АНЪАНАВИЙ АНЖУМАН САБОҚЛАРИ

(Боши 1-бетда).

лар учун мактабга 600 минг сўм маблағ ажратган.

Бундан ташқари мактаб учун 5 гектар ер ажратилган бўлиб, 900 туп узум, 600 туп мевали дарахт ўтқазилибди. Дарахтлар ҳосилга киргунча эса, қатор ораларига полиз маҳсулотлари экилиб, таълим ходимларига арзон баҳода сотиш йўлга қўйилган.

— Бу мактабга ҳам, ўқитувчига ҳам фойда, — дейди давлат хўжалиги директори Сергей Петраков. — Мазкур мактабни фермерликка йўналтиришни таклиф қиламиз.

Албатта, анжуманнинг бадиий қисми ҳам бўлиб, унда халқ таълими ходимларининг ўзлари шаҳардаги қурилиш лицейи ҳовлисида кеча уюштирдилар. Унда Навоий шаҳар 8-мактаб қошидаги «Нозанин» фольклор ансамбли (ўқитувчилардан иборат) даврага файз киритди.

* * *

Бу йилги август кенгашидан кўпчилик катта сабоқ олганлигини таъкидлади. Қуйида айрим қатнашувчиларнинг фикрларини келтирамиз.

Азиза РАШИДОВА, Учқудуқ шаҳар 2-ўрта мактаб ўқитувчиси.

— Ўқувчилар билимини баҳолашда рейтинг тизимининг афзалликлари бўйича шўъба йиғилишида қатнашдим ва ундаги фикрлардан қаттиқ таъсирландим. Мен рейтингни ўтган йили ўз фаолиятимда қўлладим. Натижаси яхши бўлди. Бошқа ҳамкасбларимни ҳам шу тизимни қўллашга чақираман.

Исроил ТОШЕВ, Хатирчи туман ХТБ мудири:

— Мазкур илмий амалий конференциямизда ўқитувчилар учун жуда зарур бўлган масалалар муҳокама қилинди. Айниқса, иқтисодий таълим бўйича айтилган фикрлар, вазиримиз Жўра Ғаниевичнинг чиқишлари хотирамизда муҳрланиб қолди. 27 август куни туманимиз ўқитувчиларининг август кенгаши ўтказилади. Унда 500 дан ортиқ халқ таълими ходими қатнашади. Биз уларга бу ерда айтилган, муҳокама қилинган барча фикрларни етказамиз.

Феруза СОБИРОВА, РТМ иқтисодий таълим бўлими бошлиғи:

— «Халқ таълими тизимига қўйилган талаблар», «Бошқарув тизимида халқ таълими ходимларининг иқтисодий таълимга бўлган талаби» шўъбасида қатнашдим. Унда иқтисодий таълимни қўллай билиш бўйича фикр-мулоҳаза юритилди. Қатнашган ўқитувчилар бу борада ўзи учун муаммо бўлиб турган масалаларнинг ечимини топди, деб ўйлайман.

Ҳ. САИДОВ, Т. САЛИМОВ.

Навоий вилоятида 232 та ўзбек мактаби, 92 та қозоқ, 12 та рус, 28 та ўзбек-рус, биттадан тожик ва туркман мактаблари мавжуд.

Вилоятда 15616 ўқитувчи бўлиб, унинг 11134 нафари олий, 4009 нафари ўрта махсус, 446 нафари ўрта маълумотга эга.

Ўқувчилар сони эса 165212 нафар. Хориж (АҚШ)да 3 нафар ўқувчи таҳсил оляпти.

Вилоятда 7 та янги турдаги таълим муассасалари (лицей ва гимназиялар) фаолият кўрсатяпти. Навоий шаҳридаги 4-гимназия ЮНЕСКОнинг сертификатини олди.

КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Мустақилликнинг ўтган даври жонажон юртимизни озод ва обод қилишда муҳим босқич бўлди. Қизилтепа тумани аҳли ҳам Ўзбекистонимиз, шунингдек навқирон вилоятимизнинг барча аҳли қатори Мустақилликни шарафлаш, унинг неъматларини кўпайтириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Туманда турмушимизнинг барча соҳаларида давр талаблари асосида иш олиб борилмоқда. Айниқса, миллий қадриятларни тиклаш, қурилиш-ободончилик, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, бу борадаги Президентимиз Фармонлари, ҳукуматимиз қарорларини бажариш диққат-эътиборимизда бўлмоқда. Аҳолининг турмуш маданиятини кўтариш, дам олишига шароит яратиш, спортнинг оммавийлигини таъминлаш, халқ ҳунармандчилигини тиклаш, тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам катта ишлар амалга ошириляпти, десам хато қилмаган бўламан.

Ҳар йили Мустақиллик байрами олдидан «Энг намунали маҳалла» кўрик-танлови ўтказилиши анъанага айланиб қолди. Бу йил «Тадбиркор ҳунарманд» фольклор дасталар кўрик-танловини ҳам ўтказяпмиз. Мана икки ойдирки, ҳар ҳафтанинг пайшанба, жума, шанба ва якшанба кунлари футбол, волейбол ва спортнинг бошқа турлари бўйича оммавий мусобақалар бўлиб ўтмоқда. Шаҳардаги «Ғалаба» маданият ва истироҳат боғида эса халқ сайли ўтяпти.

Мустақиллик байрами олдидан ўтказилган республика ва вилоят мусобақаларида туманимиз ўзининг муносиб ўрнини эгаллаяпти.

Тумандаги Мухтор Ашрафий номли санъат мактаби талабалари республикада фахрли биринчи ўринни эгаллашди. Фитрат номли мактабнинг 10-синф ўқувчиси Ботир Ғиёсов миллий кураш бўйича республика чемпионлигига эришди. Спортнинг волейбол, футбол турлари бўйича вилоятда 1-ўрин, «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида эса 2-ўрин эгалланди.

Шуни таъкидлашим керакки, туман ҳокимлиги ўз фаолиятида ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор бермоқда. Мактаб ишини амалда ҳамманинг ишига айлантиришни ўзининг муҳим вазифаси қилиб қўймоқда.

Бу мақсадга қандай йўл билан эришмоқчимиз?

Биринчидан, Президентимиз Республика Олий Мажлисининг биринчи чақириқ биринчи сессиясида таъкидлаганларидек, ёш авлодга таълим-тарбия, касб маҳорати беришда Мустақиллик берган имкониятлардан кенг миқёсда фойдаланиляпти. Ёшларни иқтидорига қараб ўқитишга, уларга ҳунар ўргатишга эътибор кучайтирилди. Вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда вилоят ҳокимлигининг ёрдами билан физика ва математика фанлари чуқурлаштириб ўқитиладиган вилоят миқёсидаги лицей очилди ва у фаолият кўрсатмоқда. Ўтган ўқув йилида бизнес мактаби ташкил этилди. Умумтаълим мактабларида фанларни чуқурлаштириб ўқитиш, гимназия синфлари йилдан-йилга кўпаймоқда. Куни узайтирилган гуруҳлар қисқартирилиб, синфлар сони кўпайтирилди. Кейинги уч йилда ҳар бир синфдаги ўқувчи 30 нафардан 26 нафаргача туширилди. Меҳнат дарсларида миллий ҳунармандчиликни ўргатиш жорий этилди.

Жамоатчиликнинг мактаб олдидаги масъулиятини ошириш мақсадида ўқув йилининг ҳар чорагида ҳокимият дастури ва ҳокимият вакиллари иштирокида мактабларда ўқувлар ташкил этилди. Бу йилги ўқувларда Президентимизнинг Республика Олий Мажлиси сессиясидаги нутқлари, улуғ бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Файзулла Хўжаев туғилган куннинг 100 йиллиги, Фитрат таваллудининг 110 йиллиги, Наврўз байрамининг миллий қадриятларни тиклашдаги аҳамияти каби мавзулар ўз ифодасини топди. Шунингдек, бу йилгилишларда чорак якуни бўйича мактабдаги тарбия ва таълим аҳволига баҳо берилади.

Ўтказилган тадбирлар ота-оналарнинг мактаб билан алоқасини яқинлаштиришга ёрдам берди. Бир мисол: ҳозирги вақтда туман мактабларидаги ҳар учта синфдан иккитаси ота-оналар ҳомийлигида. Ҳомийлар мактабни таъмирлашга, байрамларни ўтказишга, ижтимоий ҳимояга муҳтож ўқувчиларга кўмак бериб, аълочиларни рағбатлантиришга ёрдам бермоқдалар. Бунинг оқибатида, ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, барча мактаблар ўқув йилига ҳар қачонгидан пухта тайёрланган.

Иккинчи асосий масала мактаблар моддий базасини яхшилаш ва янги мактаблар қуришдан иборат. Кейинги беш йилда туманда 3758 ўринли янги мактаб ва қўшимча синф хоналари қурилди. Бу ўқув йилида 422 ўринли янги мактаб биноси фойдаланишга топширилади. Яна учта мактаб учун янги бино қурилиши бошланган. 5 та мактаб учун янги бино қуриш лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаб қўйилган.

Янги ўқув йили олдидан тил ҳамда «Информатика ва ЭҲМ асослари» чуқурлаштириб ўқитиладиган лицей иш бошлайди. Ҳукуматимизнинг қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш борасидаги қарорига асосан махсус дастур ишлаб чиқилди. Унинг бажарилиши туманимизда халқ таълими моддий базасини янада мустаҳкамлашга шароит яратади, албатта.

Энг муҳими эса, ўқитувчиларга, мактаб раҳбарларига эътибор кучайганидир. Ҳокимият мактаб раҳбарларини танлашга жуда катта аҳамият беради. Директорлар одатда ўз соҳаси бўйича таниқли, вилоят, республика кўрик-танловларида қатнашган, ахлоқий пок, Мустақиллик фидойиларидан танлаб олинаяпти. Ўқитувчилар ҳурмати анча юқори қўйиляпти. Ҳар йилги Август кенгаши, халқ таълими ходимлари куни туманимизда катта байрам сифатида нишонланади. Ижодкор, ташаббускор ўқитувчилар меҳнати муносиб қадрланиб келинмоқда.

Туманимиздан «Соғлом авлод учун» ордени нишондори Замира Каримова, «Ёшлар мураббийси» ордени нишондори Шафоат Ражабова, «Ўқитувчи-96» вилоят кўрик-танлови ғолиби Мақсуда Эшонқулова каби ўқитувчилар етишиб чиқди. Халқ таълимини ривожлантириш соҳасида қилинаётган ишлар натижасиз қолмаяпти. Агар туманимиздан 1994-1995 ўқув йилида республика олий ўқув юртларига 117 нафар ёшлар кирган бўлса, 1995-1996 ўқув йилида бу рақам 194 нафарга етди.

Биз мактаб ишига эътиборни келажакка эътибор деб биламиз. Шунинг учун бу борадаги ҳар бир ишни бир дақиқа ҳам бўшаштирмаймиз.

Т. ПАТУЛЛАЕВ, Қизилтепа тумани ҳокими.

БОЛАСЕВАР МУАЛЛИМА

Кўпинча ёмғирли кунларда деразадан ташқарига боқарканман, аста-секинлик билан ойналарни ювиб тушаётган ёмғир томчиларини беихтиёр кимнингдир ёп-ёруғ юзлари оша сирғалгувчи аччиқ кўз ёшларга ўхшатгим келади. Йўқ. Аслида буни бир инсоннинг қалбидагина чегараланиб қоладиган шунчаки фалсафа ҳам дейиш мумкин. Негаки, ҳаёт деганлари ҳамиша қувонч ва қайғунинг орасида. Шунинг учун ҳам уларнинг фақат биттасигагина ихлосманд бўлиб олишни ҳеч кимга муносиб кўра олмаган бўлардим...

Демоқчи бўлганим, баъзи бир инсонлар тақдирига синчиклаб назар солиб турсам, бу тақдирларни худди нафис бир гулдек асрагим, авайлагим келади. Йўқ. Йўқ. Ундай инсонларни қисқа қилиб айтганда, бутун бир дунёга менгзаган маъқул...

Турмуш ўртоғи оламдан кўз юмганида Ҳаловат опа бор-йўғи 28 ёшни қаршилаган, бу ёқда эса марҳум отасининг тобутига ҳайрат назари билан термулиб турган 4 нафар мурғаккина фарзандлар ҳали бахт ёхуд бахтсизликнинг фарқига боришмасди ҳам. Ҳаловат опа ўшанда 4 болани бағрига босганича фарёд чекиб қолаверди...

Лекин фарёд ўрнини янгитдан фарёдга бўшатиб бераверишни ҳатто Яратганнинг ҳам ғазабини қўзғаши аниқ-ку! Қолаверса, зиёли одам барибир, қандай вазиятда бўлмасин, бироз мулоҳаза қилиб кўраркан-да! Ҳаловат опа ҳам тез орада ўзини тутиб, рўзғорнинг бутун юкини зиммасига олиб, фарзандлар тарбиясига берилди.

Дарвоқе, мен бу ўринда айнан шу масалага дахлдор бўлган яна бир аёл ҳақида эсламай ўтолмайман. У ҳам (исмини айтмаган маъқул) айни 25 ёшида 2 нафар фарзанди билан «кўз очиб кўрган»идан бевақт айрилган эди. Лекин орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, иккала болани қариндош-уруғлар қўлига топшириб, ўзи қайтадан турмуш қилиб кетди. Аммо, минг афсуски, бу ич-ичидан дарз кетиб бўлган оиланинг жамики аъзоларига ҳанузгачаям бахт насиб этмабди. Айтишларича, улар моддий ҳамда маънавий дунёнинг асл неъматларига ҳануз зор эмишлар. Хўш? Бу борада кимни айблаш тўғрироқ бўлади? Албатта, онани-да! Негаки, фарзандларнинг ҳақиқий орзу-ҳаваси, ҳурмати-ю бир чимдим меҳрига тўлақонли сазовор бўла билиш фақат ота-онанинг қўлида, холос. Йўқ. Боя айтганимдек, Ҳаловат опа болаларининг бир лаҳзалик ширин табассумини қандайдир ўткинчи ҳиссиётларга алишгиси келмади. Ҳар қачонгидек ўзининг севимли педагоглик касбига фарзандлар тарбиясини боғлаб олганча, тинчгина яшайверди.

У нафақат ўз фарзандлари, балки ўзи таълим бераётган ўқувчиларга ҳам оналик, ҳам устозлик меҳрини берди. Уларни ҳақиқий ҳаёт синовларига тайёрлашда бор билими, малака ҳамда имконини сира дариғ тутмади, бу йўлда тиниб-тинчимади.

Ҳойнаҳой, Ҳаловат Кенжаева ҳақида сўз юритилганда яна бир жиҳатга эътиборни қаратиш керак бўлади. У аслида СамДУнинг филология куллиётини тамомлаган. Бироқ орадан 34 йил ўтибдики, ҳамон Навоийдаги 10-мактабда бошланғич синфларга дарс берар экан. Тўғрисини айтганда, бу ҳақда эшитиб сира ҳайратга тушмадим. Негаки, опанинг қисмати билан астойдил қизиқиб кўрган одамгина буни чуқур тушуна олади. Қолаверса, Ҳаловат Кенжаевага ҳукуматимиз томонидан тақдим этилган фахрий ёрлиқлар, «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали —умуман ҳаммаҳаммаси бу аёлнинг нақадар болажон эканлигига яна бир исбот бўлса ажаб эмас.

Айни кунда Ҳаловат опанинг тўрттала фарзанди ҳам олий маълумотли, қобил, энг асосийси ўз оналарига меҳрибон, содиқ. Уттиз тўрт йил эвазига тарбия этган шогирдлари баҳоли қудрат халқ хўжалигининг турли соҳаларида ҳалол хизмат қилишмоқда. Ҳаловат опа ҳам ҳеч қачон ҳаётдан муҳаббатини, болаларидан меҳрини барибир аямаслиги эса айни ҳақиқатдир.

Олимжон ҲАЙИТ.

КЕНГАШ СИРДАРЁДА ҲАМ БЎЛИБ ЎТДИ

15-16 август кунлари Гулистон шаҳрида Сирдарё вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят педагог ходимлари малакасини ошириш институти педагогик жамоалари ва туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари раҳбар ходимларининг анъанавий август кенгаши бўлиб ўтди. Унда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С. Ғуломованинг маърузаси тингланди.

Маърузада эришилган ютуқлар қаторида айрим камчиликлар ҳам борлиги рўйирост тилга олинди. Жумладан, таълим муассасаларини тўла компьютерлаштиришга хўжалик ва ҳокимликлар томонидан етарли маблағ ажратилмаяпти. Иситиш тармоқларини таъмирлашда сансалорликка йўл қўйилаётир.

Таълим муассасаларини кузги-қишки тайёрлаш кўнгилдагидек бораётир, деб бўлмайди. Ўқитувчилар малакасини оширишга айрим туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари эътиборсизлик қилишмоқда. Илғор тажрибаларни оммалаштиришда сусткашликлар бор.

Айрим боғчаларнинг ёпилиб қолиши, гуруҳларнинг қисқариши, мактабгача тарбия муассасаларига дастурларнинг ўз вақтида етказилмаслигини ҳам фақат салбий баҳолаш мумкин. Шунингдек, вилоятда ўқитувчи (чет тили, физика, кимё, математика фанлари бўйича)лар етишмаяпти. Янги типдаги мактаблар кўпаймаяпти. Мактабдан ташқари муассасалар хўжалик раҳбарлари назаридан четда қолаётир.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун фанлар ва йўналишлар бўйича қабул қилинган концепциялар асосида таълим мазмунини такомиллаштириш борасида олиб борилган ишлар ҳақида СВПХМОИ директори Э. Куйбишев маъруза қилди.

Маърузалар тугаганидан сўнг анжуман иштирокчилари шўъба (16 та) ларга бўлинишди. Уларда янги турдаги таълим муассасалари ишини такомиллаштириш, мактаб ўқувчилари фаолиятини баҳолашда кўп баллилик тизимидан фойдаланиш, янги алифбони ўқитиш жараёнида ўқувчилар фаоллигини ошириш йўллари, «Соғлом авлод» дастурини ҳаётга татбиқ этиш усуллари, шахсни ҳар томонлама камол топтиришда мактаб, оила, жамоатчилик ҳамкорлиги каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Мунозаралар сўнггида муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Анжуманда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги мактабдан ва синфдан ташқари ишлар бошқармаси бошлиғи Марат Шафиев иштирок этди ва сўзга чиқди.

Қ. МАТҚУРБОНОВ.

ИШ БИЛГАННИНГ ЮЗИ ЁРУҒ

(Боши 1-бетда).

Марказга бино ҳам ажратиб берилган. Унда таъмир ишлари қандай кетаётганини кўздан кечирдик. Ўқув мавсумига (демакки, марказ ишининг қайнашига) саноқли кунлар қолган бўлса-да, ишлар ўлдажўлда. Ишман деган «гумбаздай» бўлиб қалашиб ётибди. Таъмирчиларнинг ярми бекорчиликдан олма еб ўтиришибди. Сабаби, қурилиш материаллари етишмаётган экан.

— Буларни «ҳа-ҳа»ламасангиз, эрта-индин бинони эмас, олма пўчоғини қабул қилиб оласиз, — деди Муртазо Султонов марказ раҳбарига.

Ботир Қодиров жавоб қилди: «Буларнинг раҳбари («Ўқувтаъмирқурилиш» ҳиссадорлик бирлашмаси) Сергей Тютюнников ҳеч ўзини ушлатмайди. Бўлмаса, ишлар силжиган бўлармиди».

Бу ердаги таъмирни 25 августгача тугаллаш қатъий белгилаб берилди. Буларнинг устидан назорат қилиш эса Капитал-қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси бўлим бошлиғи Нуриддин Атаметов ҳамда вазирлик лойиҳалаштириш институти директори Худойқул Имомовларга топширилди.

Республика стенография ва машинка ёзувчи маркази анча сариштали кўринди, кўзимизга. Марказ директори Мунира Собирова тартибли эканларки, ҳаммаёқ озода. Лекин, негадир хоналар ранги хирароқ, назаримизда. Чунки, яқин орада бошдан-оёқ бўёқ берилмаганга ўхшайди.

Республика ўқувчилар саройи нафақат мамлакатимизда, балки бошқа юртларда ҳам таниқли. Салобатли бу даргоҳ номига яраша — сарой каби экан. Сарой директори О. Иброҳимова бирма-бир ҳамма гўшаларни таништириб чиқди. Бирор жойга гард юқмаган.

— Биз қарийб ўн йиллардан бери тубдан таъмир қилганимиз йўқ саройни. Асосан, борини сақлашга ҳаракат қиламиз. Бу йил эса ун битта хонани таъмирладик.

Ҳақиқатан ҳам бор нарсани эплаб-сеплаб ўтиришда ҳам гап катта. Агар уддалаш қўлингиздан келмаса, ўқувчилар саройига маслаҳат сўраш учун марҳамат! Манзили: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси.

Мана, навбатдаги кузатишларимиз натижаси шу турур. Баъзи хулосаларни юқорида айтиб ўтдик. Қолганлари сизга ҳавола.

Асқар ШОКИР.

Нуқтаи назар

АВВАЛО МИЛЛИЙ ТАРБИЯ ЗАРУР

Аввало миллий сўзининг луғавий маъноси билан танишсак. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да бу сўзга шундай изоҳ берилади: миллатга оид, бирор миллатнинг, халқнинг ўзига хос бўлган, унинг хусусиятларини ифодаловчи (1 жилд, 464-бет). Демак, миллий мактабда миллий урф-одатлар, қадриятларга кенгроқ ўрин ажратиш лозим экан. Кўпгина муаллимлар миллий мактабларда аввало кийимлар миллий бўлмоғи керак, дейдилар. Бизнинг миллий кийимимиз эса қизлар учун атлас кўйлак, ўғил болалар учун дўппи ва тўн. Ўйлаб кўрайлик, шу билан бирор нарса ўзгарадими? Гап кийимда эмас, деган фикрлар ҳам айтилди. Қарабсизки, юқори синф қизлари ўз ўқитувчиларидан ҳам ўтказиб кийина бошладилар. Энди улар дарсга эмас, кийимлар намойишига кела бошладилар. Мавзу ҳам битта: Кўйлакнинг нархи қанча, қаердан олдинг? Ўқитувчимизнинг бошқа кийими йўқми, фақат бир хил кийинади! Бу «аслзода»ларнинг кийимини кўрган синфдаги тенгдошлари ота-онасига ҳиқиллай бошлайди: «Менгаям олиб берасиз». Айримлари эса «Нега мен бундай кийинолмайман»? — дея ўксийди. Демак, мактабга айримлари янги кийимларини кўз-кўз қилиш учун ошиқса, айримлари улардай кийинолмагани учун ўксиб, мажбуран келади. Шу аҳволда ўқиш бўладими?

Энди яна бир гуруҳ ўқитувчилар миллий мактабда ўғил болаларни алоҳида, қизларни алоҳида ўқитиш керак, деган фикрларни ўртага ташладилар. Бу гапда жон борга ўхшайди. Негаки, қизлар ўғил болалардан қўпол сўкинишларни эшитавериб, дағаллашиб, бетлари қотиб кетяпти, ўғил болалар эса қизлар орасида тарбияланиб, бўш, юмшоқ бўлиб қоляпти, сардорликни қизлар ўз қўлларига олган, дейдилар.

Биз тажриба сифатида ўтган йили бошланғич синфни битирган 150 дан ортиқ ўқувчини ёзма ва оғзаки имтиҳонлардан ўтказиб, иқтидорлиларини ажратиб олиб, иккита синф ташкил этдик. Қизиғи шундаки, адабиёт фанига ихтисослаштирилган 5-»А» синфида фақат 27 қиз, математика чуқур ўргатиладиган 5-»Б» синфида эса фақат 27 ўғил бола ўқий бошлади. Бу йил улар 6-синф бўлишди. Ўзлаштиришда яхши натижаларга эришдик, барчаси «яхши» ва «аъло» баҳоларга ўқийдиган ўқувчилар бўлгани учун фан сирларини чуқур ўрганмоқдалар. Лекин... танаффус бўлди дегунча, икки синф бир-бирига қараб югуради. Ўғил болалар синфларида қизлар бўлишини хоҳлайдилар. Синф ҳам файзсиз, оилада аёлнинг йўқлиги қандай билинса, синфда қизларнинг ўрни ҳам шундай билинади: чанглар артилмаган, гуллар қуриб қолган. Бу ўқувчиларда гўзалликни ҳис этиш, нафосат тарбияси етишмаяпти. Қизлар синфида эса маҳмадоналик, чақмачақарлик авж олган. Балки синфда ўғил болалар бўлса, улар бироз уялишар эдими, деб ўйлайман. Барибир эркак кишининг салобати аёлни босиб туради. Қизлар улардан ота ёки акаларидан ҳайиққандек, бироз ҳайиқиб туришарди. Ўз ҳолига қолган қизлар баъзан шундай баланд овоз билан гаплашиб, баҳслашиб кетадиларки, ҳайрон қоламан. Демак, ўғил ва қиз болаларни ажратиб ўқитиш ҳам унча тўғри эмас экан.

Ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, бизга миллий тарбия керак экан. Агар қизларимиз шарқона одоб, ўзбекона лутф каби фазилатларни мактабда ўргансалар, ҳаётда қоқилмайдилар. Негаки, жамиятимизнинг устуни — оила. Оиланинг мустаҳкамлиги эса аёллар қўлида. Агар қизларимиз ҳаё-ибони, андишани устун қўйсалар, ажралишлар камайган бўларди. Ҳозир бизга аълочи, ҳақ-ҳуқуқини пеш қиладиган ўқувчи қизлар эмас, ўртача ўқиса ҳам уй ишларини эплай оладиган, лаззатли таомлар пишира оладиган, бир гапдан қоладиган, оғир, вазмин, ажралишни ор деб биладиган қизлар керак. Ундайларни тарбиялаш учун эса 16-17 ёшли қизларни йигитлар олдида югуришга мажбур қиладиган, узунликка сакрашга ундовчи жисмоний тарбия дарслари эмас, одобнома соатлари кўпайтирилиши керак. Ёки меҳнат дарсларида ҳам қизларга русча салатлар, 30-40 та тухум кетадиган «буюртма» тортлар пиширишни ўргатмай, оз вақт ичида борини пиширишни, юзага чиқара оладиган, ҳайит, байрам кунлари миллий пиширириқларимизни тайёрлай оладиган қизларни етиштиришимиз лозим, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, адабиёт дарслари устида ҳам бироз тўхтаб ўтмоқчимиз. Худога шукрлар бўлсинки, адабиёт дарсликларимиз янгиланди, янги номлар билан бойиди. Энди биз Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини чуқур ўрганишимиз керак. Шарқона одоб дейсизми, ўзбекона лутф дейсизми, ўзбек қизларига хос ибо, андиша, миллийлик дейсизми, бари унда мужассам. Қодирийнинг Кумуши гўзал, лекин у сочларини қирқмаган, лабларини ҳар куни ҳар хил рангдаги лаб бўёқлари билан қизартирмайди, кўз қовоқларига қизил, кўк, яшил... каби бўёқлар сурмайди ва ҳоказо. Биз унинг табиий гўзал чеҳрасидан мамнун бўламиз. Нега қизларимиз Кумушни севадилар-у у каби кийинишни ёқтирмайдилар. Ёки тўйни эслатайлик уларга. Ҳозир қизларимиз никоҳдан бир кун аввал, айримлари ундан ҳам аввал тақимига тушиши мумкин бўлган сочларини белига ҳам етказмай қирқадилар, кимёвий усулда жингалак қиладилар. Ёнларига борсангиз, қалампирмунчоқ, мушкианбар эмас, кимёвий бўёқлар ҳиди анқийди. Қалин, қоп-қора қошларини эса ипдек териб, ўрнини қизартириб юришга ҳам ийманмайдилар. Никоҳ куни гард қўнмаган, оҳорли кийим кийиш ўрнига 200, баъзан 300 долларга ижарага қўйлак олиб киядилар. Қиз базми куни эса эркакаёл аралаш, турли ичимликлар билан стол безатиб, тантана уюштирадилар. Бўлажак келин бемалол дугоналари билан ота-онаси, қариндошлари олдида рақсга тушади. Ахир, буларнинг бари оврўпоча тарбия-ку! Истардикки, Кумуш каби гўзалларимиз кўпайса. «Ўтган кунлар» каби асарлардан кўп ва хўп ўқиб, қизларимизда миллийликни тикласак.

Хулоса қилиб айтганда, бизга аввало миллий тарбия керак, шаклни эмас, мазмунни ўзгартирмоғимиз лозим. Албатта, бу шахсий фикрим, уни қандай талқин этиш эса ҳамкасбларимга ҳавола.

Маҳмуда ВАЛИЕВА, Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги 74-мактаб олий тоифали муаллимаси, Халқ таълими аълочиси, Халқ таълими фидойиси.

Иқтисод сабоқлари

НАРХ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Яшаётган уй-жойимиз учун нархлар (квартира ҳақи, уй-жой солиғи) ўрнатилган. Шу жумладан, сув ҳақи, газ ҳақи, электр энергия ҳақи ва ҳоказолар. Самолётларда, поездларда, автобус ва бошқа транспортларда юришимиз учун нархлар бор. Ҳаттоки ўз шахсий машинамизда юрсак ҳам йўл нархини, яъни йўл солиғини тўлаб юришимиз керак. Ёзувчи, рассом, артистлар, маърузачи олим кабиларнинг маҳсулотларига ҳам нархлар қўйилган. Раҳбарлар фаолияти, ишчи ёки барча соҳада меҳнат қилаётганларнинг «нархи» уларга тўланаётган иш ҳақига тенг. Хом ашё, ярим фабрикат, товар маҳсулотларининг барчаси ўз нархларига эга эканлиги ҳаммамизга маълум. Банкдан қарзга пул олсак ҳам унинг устига нарх қўйиб (яъни маълум фоиз қўшиб) қайтариб берамиз. Хуллас, ҳаётимизни қайси йўналишига қарамайлик, ҳамма томонимиз нархлар билан ўралган.

Шундай экан, нарх (баҳо)нинг ўзи нима? Унинг қандай турлари бор? Буларни биз ҳаммамиз билишимиз, ўрганишимиз ва билимларимизни ўз фаолиятимизда ишлата олишимиз керак.

Маълумки, меҳнат натижасида (унинг туридан қатъи назар) ё моддий, ёки маънавий товар ҳосил бўлади. Товар, унга сарфланган меҳнат ва товарнинг аҳамиятига қараб у муносиб қийматга эгадир. Мана шу қиймат орқали товар айирбошлаш рўй беради. Бу жараён бозор иқтисодиётининг энг асосий воситаси — пул орқали содир бўлади. (Пул — айирбошлаш эквиваленти бўлган махсус товардир). Айтилганлардан қийидаги хулосани чиқариш мумкин. **Нарх (баҳо) — товар қийматининг пул шакли, яъни ижтимоий меҳнат қийматини пул орқали ифода этишдир.** Демак, нархни қиймат белгилайди. Қиймат нархнинг объектив асоси ролини бажаради. Лекин, нарх аниқ бир қийматдан баланд ёки паст бўлиши мумкин. Нарх қиймат атрофида талаб ва таклифга қараб тебраниб туради, аммо ундан узилиб, йироқлашиб кетолмайди. Ҳаммамиз ҳам харид қилганда маҳсулотнинг сифати қанча юқори ва унинг фойдалилик даражаси қанча баланд бўлса, шунча баланд нархда шу маҳсулотга эга бўлишга рози бўламиз. Аксарият ҳолда эса сифатсиз, талаб паст бўлган маҳсулотларни фақат арзон нархдагина харид қиламиз.

Бозор иқтисодиёти тизимида қатнашувчиларнинг пировард мақсади битта, у ҳам бўлса иложи борича кўпроқ фойда олиш. Фойда миқдори эса, сотиладиган товар ёки бажарилади диган хизмат тури нархининг баланд-пастлигига (тебранишига) боғлиқ. Мана шу туфайли бозор иқтисодиётига амал қилаётган давлатнинг хўжалик механизмида нарх энг кучли иқтисодий дастак — рағбатлантирувчи омил вазифасини ўтайди. Чунки кўп фойда олишга интилиш корхоналарни, аввало, иложи борича кўпроқ миқдорда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ундайди. Корхоналарнинг ҳаммаси шу йўсинда ишлай бергандан сўнг пировард натижада бозорда сотиладиган маҳсулот талаб даражасидан ортиб кетиб, маҳсулот нархи пасаяди. Демак, халқ фаровонлиги оша бошлайди.

Хўш, товар ёки хизматнинг нархини ким аниқлайди? Тарихдан маълумки, товар айирбошлаш бошланган даврдан бери харидор билан сотувчи ўртасидаги баҳслашув, тортишув натижасида нарх миқдори аниқланган. Сотувчи кўпроқ фойда олиш мақсадида ўз товари учун мўлжалдан баландроқ нархни айтган. Харидор эса мўлжалда туламоқчи бўлган нархдан пастроғини айтган. Икки томон учун ҳам мақбул мўлжалга келишишгач, олди-сотди жараёни юз берган. Демак, бозор муносабатларининг асосий тамойилларидан бири шуки, товарга харидор қанча пул бера олса, унинг нархи шунча сўмга тенг бўлаверади. Бозорда таклиф этилган товарга харидор бор экан, у товарнинг нархи тушмайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш содир бўлаётган ҳозирги даврда нархларнинг нима учун ошаётганини иқтисодиётдан хабардор бўлмаган фуқаролар тўлиқ тушуниб етмайди. Бу ҳолни ғайритабиий ҳодиса деб ўйлайди. Чунки биз яшаган яқин ўтмишда (собиқ Иттифоқ даврида) нархни аниқлашнинг асосий тамойили бузилган эди. Нарх ўрнатиш давлат монополиясига айланиб, сотувчи ва харидор четда қолиб кеттанди. Давлат нарх қўмитаси ёки шу қўмита томонидан тасдиқланган қоида ва йўриқномалар асосида нархлар белгиланарди. Пул — товар муносабатларига амалда риоя этилмасди. «Халқ фаровонлигини ошириш» шиорини бажариш мақсадида, масалан, озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана нархи сунъий йўл билан (давлат дотациялари ҳисобига) пасайтирилган ёки ушлаб турилган. Жумладан, 1990 йилда амалда ҳар килограмми 11 сўмга тушган гўшт аҳолига 2 сўмдан сотилган, қолган 9 сўми, яъни 82 фоизи давлат бюджети (дотация) ҳисобидан тўлдирилган. Дотация миқдори йил сайин катталаша борган ва уни тўлаш эса бюджетни танқислаштира берган. Устига устак иш унумдорлиги ўсишига нисбатан иш ҳақи тезроқ ошиб боргани учун озиқ-овқатларга бўлган талаб ортаверган. Бундан ташқари сунъий «арзончилик» туфайли хорижлик меҳмонларимиз ҳам сафардан қайтишда асосан озиқ-овқат ва халқ истеъмоли молларини харид қилиб чегарадан олиб чиқиб кетишган. Натижада озиқ-овқат ва халқ истеъмоли молларини талон орқали тақсимлаш ёки навбатда туриб олишга мажбур бўлинган. Дефицитдан фойдаланиб хуфия иқтисодиётда нархга «шапка» қўйиб сотиш каби иллатлар ривожланиб кетган. Нарх ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи вазифасини бажармай қўйган, таклиф камайиб кетган, талаб эса ошиб бораверган. Натижада бозор камбағаллашган. Буларнинг ҳаммаси таназзулга, иқтисодий инқирозга олиб келган. СССРнинг парчаланиб кетишига асосий сабаблардан бири нарх сиёсатини мутлақо нотўғри, иқтисодий қонунларга бўйсунмай олиб борилганлиги натижаси деб хулоса чиқарсак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Биз иқтисодиёт қонунларини бузиб, озиқ-овқат ва халқ истеъмол молларини сунъий равишда пасайтирилган даврда яшаганимиз (улғайганимиз) учун ҳозирги нарх-наволарнинг ошиш сабабларини тушунишимиз қийин бўлаяпти. Аммо, бу ҳол қачонгача давом этади, деймиз беихтиёр. Жавоб шу: биздаги сунъий арзон ушлаб турилган нархлар, хорижидаги бозор нархлари билан тенглашиб олгунга қадар бу жараён давом этаверади. Чунки мамлакатимиздаги нарх сиёсати бозор иқтисодиёти қонун-қоидаларига мослашиб олишига эришишимиз керак.

Бозор муносабатларида нарх қуйидаги уч хил вазифани бажаради:

1. Қиймат ўлчови, яъни қилинган харажатлар ва олинган натижа нарх ёрдамида ҳисоб-китоб қилинади.

2. Рағбатлантириш омили — олинадиган фойда товар нархи билан уни ишлаб чиқариш учун кетган харажатлар айирмасидан ҳосил бўлади. Шу туфайли кўпроқ фойда олиш мақсадида корхоналар тежамкорлик билан ишлаб харажатларни пасайтиришга интилади.

3. Даромадларни қайта тақсимловчи восита. Даромад миқдори товарларга ўрнатилган (эълон қилинган) нархга эмас, балки сотилган нархга боғлиқ бўлади. Демак, нархнинг тебранишн ишлаб чиқарувчилар ўртасида фойдани ҳар хил тақсимланишига олиб келади. Бу эса, ресурсларни бир тармоқдан бошқасига ёки бир корхонадан иккинчисига ўтиб кетишига сабаб бўлади ва натижада ишлаб чиқариш таркиби (структураси) ўзгаради.

Қиймат қонунига кўра товарлар мутаносиб тарзда айирбошланади. Шу қонунга амал қилишдан келиб чиқиб, турли товарлар нархлари ўртасидаги иқтисодий жиҳатдан асосланган нисбатлар нарх пропорцияси деб аталади. Нархлар пропорцияси асосида товарларни ишлаб чиқаришга сарфланган ижтимоий зарурий меҳнат харажатлари ётади. Шунинг учун товарлар нархини таққослаганда сарфланган меҳнат харажатлари нисбатини ҳисобга олиш талаб этилади. Нархлар пропорцияси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан саноат маҳсулотлари нархлари ўртасидаги номутаносибликка йўл қўймай, такрор ишлаб чиқариш фаолияти учун баробар имконият яратишни таъминлаши керак. Шунда нархлар пропорцияси орқали мавжуд бўлган миллий даромад тармоқлар ўртасида тўғри тақсимланади ва корхоналарда юқори сифатли ва кўп миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаришда иқтисодий манфаатдорлик ошади. Энг асосий ҳисобланган дон, пахта, нефть, кўмир, металл, ёғоч каби товарлар нархларининг ўзгариши нархлар пропорциясининг ташкил топишида ҳал қилувчи роль ўйнайди, чунки бунинг натижасида мазкур маҳсулотларни ишлатувчи барча соҳалар товарлари нархи ўзгаради.

Нархлар пропорциясининг янгиланишига талаб ва таклиф қонуни ҳам таъсир этади. Бу таъсир бир хил ёки ўринбосар товарларга бўлган талабнинг ўсиши ё пасайишига қараб нархларнинг турли даражада ўзгариши натижаси туфайли содир бўлади.

Ҳам назарий нуқтаи назардан, ҳам амалий жиҳатдан товарнинг етишмовчилиги нарх ошишига, унинг кўплиги эса нарх тушишига сабаб бўлади. Хўш, талабнинг ўзгаришига қандай омиллар таъсир қилади?

Биринчиси: фойдалиликнинг камайиши. Унинг моҳияти шундаки, бизда бирон-бир маҳсулотдан қанчалик кўп бўлса, ҳар бир ортиқчасининг қадри, яъни фойдалилик даражаси шунчалик паст бўлади.

Иккинчиси: истеъмолчилар хоҳишидаги фарқлар. Бир гуруҳ одамларда қиммат нарса сотиб олиш истаги, бошқа гуруҳ одамларда эса арзон нарсалар сотиб олиш истаги кучли бўлади. Истеъмолчининг бирон нарсани сотиб олишга бўлган истак (хоҳиш) даражаси унинг шу товар учун қанча пул тўлашга тайёр эканлиги орқали аниқланади.

Учинчиси: истеъмолчилар даромадининг ўзгариб туриши. Истеъмолчининг даромадлари, яъни тўлов қобилияти кўпайганда талаб ошади, камайганда эса талаб пасаяди.

Баъзи ҳолларда нарх ўзгариши талабга кучли таъсир этмаслиги ҳам мумкин. Масалан, туз ва гугуртга бўлган талаб, уларнинг нархлари ўзгаришидан қатъи назар, талабга сезиларли даражада таъсир кўрсата олмайди. Бундай товарлар талабга нисбатан «ноўзгарувчан» ҳисобланади.

Нархлар пропорциясини таъминловчи икки йўл мавжуд:

1) Чекланган турдаги товарлар учун нархлар нисбатини олдиндан режалаш усули билан белгилаш. Бу усул билан ҳамма нархлар нисбатини белгилаб бўлмайди. Чунки товарлар хилма-хиллигига ҳеч қандай чегара йўқ.

2) Бозорда нархлар пропорциясининг эркин равишда ҳосил бўлиши, яъни бозордаги товарларнинг сотилиши ёки сотилмаслигига қараб нархларни эркинлик билан ўзгариб туриши ва шу асосда улар ўртасидаги нисбатнинг шаклланиши.

Одатдаги нормал талабга нисбатан бозорда ортиб кетган талаб пайдо бўлса, уни ажиотаж талаб дейилади. Бундай талаб сунъий равишда вужудга келтирилади ва тез ошиб боради. У бир томондан, одамлар орасида шов-шув, ваҳима, миш-мишлар тарқатиш орқали истеъмолчи психологиясига таъсир этиш йўли билан пайдо бўлса, иккинчи томондан товарларга бўлган ғоят катта қизиқиш, қимматчилик ва қаҳатчилик хавфи, мавжуд пулни янги пулга алмаштириш жараёнида пулдан тезроқ қутулиш ва товар заҳираларини кўпайтиришга интилиш оқибатида юзага келади. Бунинг натижасида нархлар ошади, лекин товарлар талашиб олинаверади, товар таклифи талабдан анча орқада қолиб, бозор мувозанати бузилади, товарлар тақчиллиги ортиб кетади.

(Давоми бор).

Ёркин МУҲИБОВ,
иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Таълим муассасаларида

ҒОЛИБ БЎЛИШ ОСОНМАС

Шаҳрисабз шаҳридаги А. Қаҳҳор номли 14-ўрта мактабнинг икки қаватли бинои 1296 ўқувчи ўринга мўлжалланган бўлиб, замонавий услубда қурилган. Мактабда меҳнаткашларнинг 1251 нафар ўғил-қизлари таълим-тарбия олади. Уларга 100 дан ошиқ ўқитувчи ва тарбиячилар фан сирларини ўргатади. Бу йил мактаб ташкил этилганига 9 йил тўлди. Шу қисқа давр ичида билим масканида кўркам боғ ва гулзорлар ташкил қилинди. Мактаб директори Султон Мейлиқуловнинг ташаббускорлиги билан аҳил жамоа бир қатор ишларни амалга оширди. 3 нафар олий тоифадаги, 17 нафар биринчи тоифали, 40 нафар иккинчи тоифали, 41 нафар мутахассис ўқитувчи таълим-тарбия ишларини намунали бўлиши учун бир жон-бир тан бўлиб ишламоқдалар. Натижада ўқувчилар турли фанлардан вилоят ва республика олимпиадаларида фаол қатнашиб келмоқда. 1992—1993, 1994—1995 ўқув йилларида 4 нафар ўқувчи география, расм-чизмачилик, ҳуқуқшунослик фанлари бўйича республика олимпиадасида қатнашиб, яхши кўрсаткичларга эришди. Мактаб ўқувчилари ўз устозлари бошчилигида шаҳар ва вилоят миқёсида ўтказилаётган «Санъат байрами», «Яшил чироқ», «Иқтидорли ўқувчилар» кўрик-танловларида ҳам мунтазам қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишаётир.

Ўтган йилларда мактабда бир қатор намунали ишлар ҳам амалга оширилди. Ёзувчи А. Қаҳҳор номидаги адабиёт музейининг ташкил этилиши, мактаб боғи ўртасида ёзувчининг бронза бюсти ўрнатилиши ва улар-ни ўқув йили бошланиши арафасида очилиш маросими катта тантанага айланиб кетди. Тантанали маросимда ёзувчининг умр йўлдоши Кибриё Қаҳҳорова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидан, шаҳар ва вилоят халқ таълими бўлимларидан вакиллар иштирок қилдилар. Мактабдаги А. Қаҳҳор музейи—зали икки хонадан иборат. Уларда ёзувчи ҳаёти ва ижодига оид стендлар, қўлёзма ва танланган асарлари, таниқли адиб ва шоирларнинг А. Қаҳҳор ҳақида билдирган фикрлар мажмуаси акс эттирилган. Музей ҳар бир меҳмонга катта эстетик дид ва завқ бағишлайди. Унда ўз таассуротларини ёзиб қолдириш учун эсдалик альбоми ҳам ўрин олган.

Мактабимизда ўқув машғулотлари икки сменада олиб борилади. Жами 46 фан кабинети, синфхоналар, спорт заллари, кутубхона, ошхона, 2 та тиббий хона, мажлислар зали мавжуд бўлиб, унда ўқувчиларга турли хил ўқув машғулотлари, мусобақалар, кечалар ўтказиш, даволанишлари учун етарли шарт-шароитлар мавжуд, дейди директор. Ўқувчиларнинг билимини ошириш, уларга давр талаблари асосида чуқур ва пухта билим бериш ўқитувчининг маҳоратига, ижодкорлигига боғлиқ, албатта. Ана шундай жонкуяр, фидойи муаллимларимиздан фан ўқитувчилари М. Муминова, С. Мустафоев, Я. Алиқулова, М. Бойназаров, А. Файзиев, А. Жабборов, Г. Бақоева, бошланғич синф муаллимларидан Д. Меликова, О. Аллаева, О. Шукурова, Г. Файзиева, Ш. Авлоқулова ва бошқалар олиб бораётган ишлар таҳсинга сазовордир. Бу мураббийлар кўпчилигининг педагогик иш тажрибалари шаҳар ва вилоят миқёсида оммалаштирилган. Бу йилги таътил олдиданоқ фан ўқитувчилари, кабинет мудирлари ўз синфхоналарини лотин алифбоси асосида чиройли қилиб безатишга эришдилар.

А. Қаҳҳор номли мактаб шаҳар ва вилоятда энг яхши ҳамда намунали билим масканларидан бири деб тан олинган. Ўтган ўқув йилида мактаб Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг «Ўрта мактаб» мақомини олди. Бу ўқув йилида эса вилоят миқёсида «Йил мактаби-96» кўригида муваффақиятли иштирок этиб, фахрли 1-ўринни эгаллади ва республика мактаблари кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Шаҳрисабз шаҳар халқ таълими бўлими (мудири О. Тўраев), Шаҳрисабз шаҳар ҳокимлиги эътибори ва ёрдами билан мактаб компьютер билан таъминланди. Янги ўқув йилида компьютер билан жиҳозланган синфхонада ўқувчилар илк сабоқларни оладилар.

Мактабда фан тўгаракларидан мусиқа, расм-чизмачилик, зардўзлик, сандиқсозлик, тикиш ва тўқувчилик, сартарошлик тўгараклари мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Унга тадбиркор ва билимдон ўқитувчилар раҳбарлик қилишмоқда.

Ҳозирги кунда мактабда янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари тез суръатлар билан олиб борилаётир. Барча синфхоналар ва заллар ўқув жиҳозлари сифатли қилиб таъмирланди. Қишки мавсумга ҳозирлик чора-тадбирлари кўриляпти. Биринчи комплектлаш, уларга янги ўзбек алифбосидан таълим беришга пухта тайёргарлик кўрган муаллимларни бириктириш, ўқувчиларни дарслик ва қўлланмалар билан тўлиқ таъминланишига эришиш, мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш ва янги ўқув йилини муваффақиятли бошлаш тадбирлари изчил амалга оширилаяпти. Шубҳа йўқки, буларнинг ҳаммаси таълим-тарбия ишидаги янги муваффақиятларга замин бўлди.

Дилбар САПАРОВА,
журналист.

Собир Раҳимов туманидаги 233-болалар боғчасида миллий тарбия асосий мезон қилиб олинган. Шу боис, ҳозирданоқ жажжилар қалбида ўзбеконалик куртаклари бўртиб қолган. Айниқса, болаларга лотин алифбоси ҳам ўргатилмоқда. Боғча мудираси Муҳаббат Шокирова айтадики, бу йил мактаб остонасига қадам қўядиган 60 нафар тарбияланувчининг ҳаммаси тўлиқ мазкур ёзувни ўзлаштирди.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

Мактабгача тарбия муассасаларида

АМАЛИЙ КЕНГАШ ВА ТАЖРИБА АЛМАШИШ

Урганч шаҳрида «Ўз юртимнинг эгалари камол топсин» шиори остида илк ёшли болалар тарбиясига оид республика амалий кенгаши бўлиб ўтди. Унга барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон республикасидан боғча мудиралари, тарбиячилар, халқ таълими бўлимларининг раҳбар ходимлари қатнашдилар.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов очди.

Хоразм вилояти халқ таълим бошқармаси бошлиғи Мадрим Жуманиёзов вилоят мактабгача тарбия муассасаларида олиб борилаётган ишлар тўғрисида маъруза қилди. Нотиқ Президентимизнинг шу йил 16 мартдаги халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари III сессиясида сўзлаган нутқидан амалий хулоса чиқарилиб, боғчалар фаолиятини янада такомиллаштириш ва бу борадаги камчиликларга барҳам бериш юзасидан бир қанча ибратли ишлар қилинганини таъкидлади.

— Биринчи навбатда шу йил апрель ойида барча мактабгача тарбия муассасалари ходимлари билан йиғилиш ўтказилиб, унда мутасадди ташкилот раҳбарлари иштирокида камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди, — деди маърузачи. — Халқ таълими вазирлиги мутахассислари иштирокида барча туманларда қишлоқ боғчалари базасида амалий семинарлар ўтказилди. Вазирлик томонидан олинган ўқув-методик адабиётлар, янги дастурлар, қўлланма ва йўриқномалар ҳар бир боғчага етказилди.

Республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев иштирокида бўлиб ўтган вилоят халқ таълими фаолларининг йиғилишида «Вилоятда халқ таълимини ривожлантиришнинг 2000 йилгача бўлган дастури» ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Амалий ишга астойдил киришилгани туфайли қисқа муддатларда боғчаларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия сифатини яхшилаш, соғломлаштириш ишлари самарадорлигини ошириш бўйича ижобий ўзгаришлар юз берди. Ҳозирги кунда вилоятдаги 471 та болалар боғчасида 35457 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда, 7 та боғча-мактабда эса 700 нафар кичкинтой камол топаётир...

Анжуманда Тошкент шаҳридаги 20- болалар яслисининг мудираси Ирина Байсалова, Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги 299-болалар боғчаси мусиқа раҳбари Мавлуда Икромова, республика «Истеъдод» маркази директорининг муовини, психология фанлари номзоди, доцент Санобар Охунжонова ўз иш тажрибалари юзасидан қилган маърузалари зўр қизиқиш билан тингланди.

Кенгашнинг амалий қисмида унинг иштирокчилари Урганчдаги 4, 6, 20, 27, 39-болалар боғчалари иш тажрибалари билан танишишди, Хива шаҳри музейларига ва «Зилола», «Назокат» боғчаларга ташриф буюришди.

Якунловчи йиғилишдан сўнг бир гуруҳ тарбия ишининг илғорларига Фахрий ёрлиқлар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
«Маърифат» мухбири.

Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллигига

АБДУРАУФ ФИТРАТ:

ЁТСАМ ТУШИМДА, УЙҒОНСАМ ЁНИМДА...

Шундай инсонлар бўладики, бутун умри, меҳнат машаққатлари, интилишлари, орзу-умидлари унинг ўзи учун, ўз ҳаёти ва маишати учун эмас, кўпчиликнинг, миллатнинг, халқнинг келажаги, тақдири, орзу-умидлари учун бағишланган бўлади. Юрагида иймон-эътиқоди кучли бўлган, халқ тақдири учун ўзини масъулиятли деб ҳис қила олган, ақлу заковати юксак, нурли сиймолларгагина бундай тақдир, бундай умр насиб этади. Ана шундай оташин фикрли, халқ учун ўз жонидан кечишга тайёр турган ва кеча олган инсон, халқимизнинг азиз фарзандларидан бири — билимдон, қомусий олим, тараққийпарвар адиб Абдурауф Фитрат эди. У долгали бир даврда, XX асрнинг бошларида етук зиёли бўлиб шаклланди ва ўзининг ижоди, билими, меҳнат машаққатларини, бутун умри ва ҳатто азиз жонини ўзи севган халқи учун бағишлади.

Адиб ўз ижодида инсон ҳаётининг энг азиз ва энг зарур талаби—озодлик, миллий мустақиллик ғояларини баралла қўйлади, қолоқлик, жаҳолат, миллий мустамлака зулмидан қутулиш йўлларини излади, курашди ва шу йўлда ҳалок бўлди. Унинг бу кураши, интилиш ва истаклари адиб қаламига мансуб бўлган адабий ва публицистик, шеърий ва насрий асарларда ўз ифодасини топди.

Ўзбек миллий уйғониш ҳаракати — жадидчилик оқимининг фаол курашчиларидан бўлган Фитрат ўзининг маърифатпарварлик, тараққиёт учун кураш борасидаги фикрларини ёйиш учун матбуотдан, унинг халққа тез етиб борадиган ва таъсирчан шакли— публицистикадан кенг фойдаланди. Биз буни Фитрат бошчилигида нашр этилган ва 1917 йилда Самарқандда чиқиб турган «Ҳурият» газетасидаги фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. 1917 йил 16 апрелдан нашр этила бошлаган бу газета ўша даврнинг бош ижтимоий масаласи— февраль инқилоби натижасида панжаси бўшашган рус чоризми истибдодидан қутулиб, миллий озодликка эришиш, бунинг учун бутун миллат кучларини бирлаштириш масалаларини қўтариб чиқди. Бу борада газетанинг муҳаррири бўлиб хизмат қилган адиб жуда фаол ижод қилди, нашрнинг деярли ҳар бир сонида унинг публицистик мақола ва шеърлари босилиб турди.

Абдурауф Фитрат «Ҳурият»да босилган ўз публицистик мақолаларида кишиларни ижтимоий фаол бўлишга, жамият тараққиёти ҳақида фикр юритишга, озодликка, мустақилликка ундади. Адиб бу борадаги лоқайдлик, бирлашмасликнинг ёмон оқибатлари ҳақида қаттиқ қайғурди.

«Қўрдигим, кездигим, эшитдигим, ўқидигим мамлакатлар орасида Туркистонимиз каби бахтсиз бир мамлакат йўқдир, —деб алам билан ёзади адиб газетанинг 1917 йил, 25 июль сонида босилган «Иттифоқ этайлик» сарлавҳали публицистик мақоласида. — Чинда, Ҳиндистонда... ҳатто Африқода ўз юртининг саодати учун тиришатургон жамоатлар бор ва бу жамоатлар орасида миллий бир тилак йўлида бирлашмоқ учун иттифоқлар, иттиҳодлар мавжуддир. Аммо Туркистонимизда эса иш бошқачадир. Туркистонимиздаги синфлардан ҳеч бири ўзгаси билан қардошлиқ ҳолатида эмасдир. Уламо билан ёшлар, ёшлар билан бойлар; бойлар билан қўб оросинхос — юқори табақамиз), авомлар, бир ерда тўпланайлик, бирбиримизга қўмакчи ва муаввин бўлайлик, янги Русиянинг бердиги (яъни февраль инқилоби самаралари) — саодат ваъдаларидан фойдаланишга тиришайлик».

Абдурауф Фитрат юқоридаги публицистик мақоласида ўз фикрини тўғридан-тўғри, мурожаат шаклида ифода этса, «Юрт қайғуси» сарлавҳали мақоласида эзу юрт, ватан тақдири учун чеккан қайғуларини образли бир услубга солади. Мақолага «Бир ўзбек йигитининг тилидан» деган сарлавҳача берилиб, адиб ўз дарду аламларини ўз қаҳрамони— ўзбек йигитининг фикр-ўйлари шаклида баён қилади:

«Ётсам тушимда, уйғонсам ёнимда, кўз юмсам миямда, кўз очсам қаршимда мунгли бир ҳаёл келиб турадир! Бу — бир хотин (она маъносида — М.Х.) ҳаёли... Қарайман. Кимсасизлик бу кундан эриган танида золимона урилган қамчилар қонли яроси бор. Кўраман: жоҳилона қилинган яраларида қонлар оқиб турадир.

Эй мунгли хотин, сен кимсан?.. Оҳ, билдим, онгладим, сан мани ватанимсан, ватаним, ватанимнинг мунгли ҳаёлисан.

Эй муқаддас тупроғимнинг ҳаёли, кетма, тур, айрилма. Ёнимда, кўзларимда, юрагимда, виждонимда қол, кетма, юртим, Туроним, жоним!»

Бу орада, бу замонда яна бир олғов-далғовли воқеа — Октябрь ўзгариши юз беради, Русияда ҳокимият тепасига большевиклар келади. Адиб бу воқеанинг ҳам моҳиятини, замирини кўра олди. У «Ҳурият»да босилган «Сиёсий ҳоллар» мақоласида бу воқеа ҳақида: «Россияда янги бир бало бош кўтарди — большевиклар балоси!» деб ёзиб, бўлғуси зўрлик ва зўравонликларни олдиндан башорат қилиб, оммани огоҳлантирди. Адиб «Юрт қайғуси» шеърида она-Ватанни озод, мустақил ҳолда кўришни орзу қилиб:

Онам, сени қутқармоқ учун қонми керакдир?
Номусми, виждон билан имонми керакдир? —

деб ёзди ва шу йўлда, юртимиз истиқлоли йўлида қурбон бўлди. Оташин публицист ва шиорнинг орзу-умидлари, ижоди ҳамиша бизга йўлдош, Мустақиллигимиз пойдеворининг маънавий асосидан мустаҳкам ўрин олди. Унинг бирлашиш, иттифоқ бўлиш ҳақидаги фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятига эгадир.

М. ХУДОЙҚУЛОВ,
филология фанлари номзоди.

БОҒЧАДА ИНГЛИЗ ТИЛИ ТЎГАРАГИ

1995-96 ўқув йили давомида Чортоқ туман халқ таълими бўлимига қарашли «Болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази»нинг Алихон бўлими ҳамкорлигида 3-«Наргиз» боғчасида инглиз тили тўгараги очилди. Тўгаракка инглиз тили ўқитувчиси Алижон Сарбаров бошчилик қилиб, 40 нафар боғча тарбияланувчилари қатнашишмоқда.

Яқинда Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан гуруҳлар ўртасида «Биз инглиз тилида сўзлашамиз» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди. Кўрик-танловда кичкинтойлар инглиз тилида санаш, қўшиқ айтиш ва расмларга қараб гапириш бўйича баҳслашдилар. Ўтказилган бу тадбир шунисиси билан эсда қоларли бўлдики каттаю-кичик, тўпланганларнинг ҳамма-ҳаммасида инглиз тилини ўрганиш учун қизиқиш уйғотди. Кўрик-танлов якунига кўра, биринчи ўрин катта гуруҳ аъзоларига насиб этди. Улар боғча жамоасининг ҳамда «Болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази»нинг маъмурияти томонидан совғалар билан тақдирландилар.

А. НЎЪМОНОВ.

Спорт

«ЎРНАК» ҲАММАГА ЎРНАК

Андижон вилояти ҳокимининг соврини учун «Ибрат» теннис турнирини ўтказиш ҳамда аҳоли ўртасида теннисни янада ривожлантириш ва оммавийлигини оширишга қаратилган қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида вилоят халқ таълими ходимларининг «Ўрнак» теннис мусобақалари бўлиб ўтди. Мусобақалар Андижон шаҳридаги болалар ва ўсмирлар теннис спорт мактаби корт майдонларида ўтказилди.

Мусобақаларда халқ таълими бўлимларининг мудирлари ва уларнинг муовинларидан иборат 22 та жамоа 1-гуруҳга, гимназия, лицей, мактаб-интернатлар директорлари ва уларнинг ўринбосарларидан иборат 18 та жамоа 2-гуруҳга, ҳунартехника билим юртлари директорлари ва уларнинг муовинларидан иборат 30 та жамоа 3-гуруҳга бўлинган ҳолда беллашдилар. Мусобақаларда 150 нафарга яқин маориф ходимлари ўзаро куч синашди.

Спортнинг ушбу тури ёш танламаслиги яна бир бор ўз исботини топди. 26 ёшли Андижон шаҳридаги 1-гимназия директори ўринбосари А. Абдуллаев каби ёшлар билан биргаликда 63 ёшли Шаҳрихон шаҳар халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Р. Абдуносиров, 56 ёшли Қўрғонтепа туман халқ таълими бўлими мудири А. Мақсудовларнинг тенгма-тенг беллашганлиги турнирнинг янада қизиқарли ўтишига сабаб бўлди.

Муросасозлик билан ўтказилган гуруҳлардаги ўйинлар ниҳоясига етди. Ҳар бир гуруҳ бўйича ғолиблар аниқланди. 1-гуруҳда Марҳамат туман халқ таълими бўлими жамоаси ғолибликни қўлга киритдилар. II ўринни Андижон шаҳар халқ таълими бўлими жамоаси, III ўринни Андижон туман халқ таълими бўлими жамоаси эгаллади.

2-гуруҳдаги Марҳамат тумани 3-лицейи ва 7-гимназия жамоаларига I-ўрин насиб этди. Андижон шаҳридаги 1-гимназия жамоаси II-ўринни, Андижон туманидаги 6-лицей жамоаси III-ўринни эгаллади.

3-гуруҳда Андижон шаҳридаги 32-ҳунар билим юрти жамоаси I-ўринни, Избоскан туманидаги 29-ҳунар билим юрти ҳамда Олтинқўл туманидаги 14-ҳунар билим юрти жамоалари II- ва III-ўринларни эгаллашди. Ғолиблар вилоят халқ таълими бошқармасининг фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Абдурасул ЭРАЛИЕВ.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига

«БУЮК АМИР ТЕМУР» — ЭКРАНДА

Бепоён ўлкамизнинг барча ҳудудларида Соҳибқирон бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун қизғин тараддуд кўрилаётир. Жумладан, Ўзбекистон кинематографчилари ҳам мазкур санага бағишлаб ранг-баранг фильмлар яратмоқдалар. Мухбиримиз «Узбеккино» давлат акционерлик компанияси маҳсулоти «Буюк Амир Темур» фильмининг постановкачи режиссери Исамат Эргашевдан фильм ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— «Буюк Амир Темур» фильмининг сценарийси академик Бўрибой Аҳмедов, Бақо Содиқов, Ашраф Аҳмедов ва Рифқат Иброҳимовлар ҳаммуаллифлигида ёзилган. Фильмда соҳибқироннинг ўспиринлик давридан кейинги ҳаёти ҳикоя қилинади.Амир Темур ролини Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театрининг артисти Беҳзод Муҳаммадкаримов ўйнаган. Фильм Хива, Самарқандда, Қирғизистон тоғлари ва Иссиққўлда, Ўзбекистон миллий боғида ҳамда Непалда суратга олинган.

Икки серияли бадиий фильмни суратга туширишда Жавлон Ҳамроев, Мурод Ражабов, Бахтиёр Зокиров, Ҳожиакбар Комилов, Санъат Девоноғ, Ҳожиакбар Нурматов ҳамда тожикистонлик Ато Муҳаммаджонов, қирғизистонлик Болот Бешиналиев ва бошқалар иштирок этдилар.Фильмдаги жанг саҳналарини намойиш этишда қирғиз йигити Усен Кудайбергеновнинг ҳам улуши бор.

Айни кунларда фильм иштирокчилари овоз ёзиш учун Ҳиндистонга кетишяпти. Мазкур фильмимиз Амир Темурнинг юбилей кунларида тайёр бўлади.

Д. ХЎЖАЕВА.

ТАНЛОВНИНГ СЎНГГИ БОСҚИЧИ ЯҚИН

Мамлакатимизда катта аҳамият касб этган, Ўзбекистон Истиқлолининг беш йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танлови якунловчи босқичга кирди. Айни кунларда Тошкент шаҳри мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган меҳмонларни кутиб олди — пойтахтга ушбу кўрик-танловнинг барча вилоятлардаги ғолиблари ташриф буюришди. Улар муҳташам «Туркистон» саройида сўнгги босқичга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Дарвоқе, «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловининг якуний қисмини кўтаринки руҳда ўтказиш учун мазкур тадбирнинг саҳналаштирувчи режиссёри Марат Азимов бошчилигидаги санъат фидойилари ҳам жон койитишмоқда.

Барча санъат ихлосмандлари диққатига маълум қилмоқчимизки, шодиёналар яқин! 28 август куни Сиз «Туркистон» саройида бўлиб ўтадиган сўнгги танловдан сўнг Мустақиллигимиз мадҳ этилган энг сара қўшиқлардан бохабар бўласиз!

Мутолаа — энг яхши тарбия, мутолаа — энг аъло таълимдир. Шундай экан, бугунги муҳим вазифаларимиздан бири ҳам болаларда мутолаага кўникма ҳосил қилишдир. Қўлида китоб тутган қизчанинг, билингки, энг яхши дўсти, доимий раҳнамоси бор. Демак, болаларни китобга, яхши китобларга ишонтирмоқ даркор.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Хуллас...

ҚЎЗИҚОРИН ВА МИНА

Нижний Новгород шаҳри яқинида Дуброва депараси бор. Қуюқ ўрмон ичида. Яқинда бир шаҳарлик шу ерга қузиқорин тергани борди. Афсуски, қузиқорин ўрнига 60 та каттакатта, танкка қарши ишлатиладиган мина топди. Ҳуши бошидан учган табиат шайдоси дархол тегишли жойга хабар берди. Мутахассислар келиб кўришди. Аниқлашларича, бу рангти совуқ қуроллар машқ учун мўлжалланган бўлиб, ичи бўр билан тўлдирилган экан. Уларнинг қандай қилиб «пана»га тушиб қолгани аниқланмоқда.

ИНФАРКТНИНГ ДАВОСИ МУШУК

Асаби сал чатоқроқ, мутаассир кишиларга Германиянинг 55 фоиздан ортиқ невропатолог врачлари уйларида мушук асрашни тавсия қилишади. Олимларнинг исботлашича бу мулойим жонивор уйдаги асабий муҳитни юмшатаркан. Мушук билан одамда бир умумийлик бор: у ҳам, бу ҳам ўзларини силашларини ёқтиришади. Мушукни силаш билан кишининг толиққан асаблари жойига тушиб, бузуқ кайфият шу заҳоти йўқоларкан.

Яна айтишларича, мушук асраган одамнинг умри ҳам узоқ бўлармиш.

САБЗАВОТ ВА РУҲИЯТ

Норвегиялик руҳшунос Олаф Линдстрем сабзавот етиштиришнинг руҳий асосларини ўрганиб чиқди ва қуйидаги хулосаларга келди. Картошкани асосан оғир-вазмин, ўзгалар фикрини тоқат билан тингловчи кишилар етиштирар экан. Помидорни ўз оиласига садоқатли ҳамда фарзандларига жуда меҳри баланд одамлар ўстиришни ёқтирармиш. Бақлажон инсонни мақсадли қиларкан. Жуда кўнгли бўш одамларга Линдстрем шолғом экишни маслаҳат беради. Чунки у кўнгилга қатъият бағишлар экан.

СОЧ ТОЛАСИ-МАНБА

Чикаго соғломлаштириш институти олимлари соч толасига қараб одамга ташхис қўйиш, унинг касалликларини айтиб бериш усулини топишибди. Бу билан ўтган буюкларнинг ҳам «саломатлик варақаси»ни тузиш мумкин экан. Масалан, Наполеоннинг соч толасини текшириб, у заҳарлаб ўлдирилган, деган хулосага келишди.

МИРДОШНИНГ СИРДОШЛАРИ

Учқора давлат хўжалигидан Мирдош қишлоғи томон олиб борадиган асфальт йўл четида, шовиллаган сой соҳилида бир сўлим жой бор. Бу ер Пулкан шоир номидаги болалар оромгоҳидир. Жамоа хўжалиги аҳлининг таъкидлашларича, бундан 25 йил муқаддам бу атрофда ҳозирги боғ-роғ, дов-дарахтлардан асар ҳам йўқ, чор атроф сувсизликдан жизғанаги чиққан дашт бўлган. Шу дашт бугун рақатбахш маскан!

Оромгоҳ директори Ўктам Одилов бизни дам олиш маскани билан таништирди. 4 та 50 ўринли болалар ётоқхонаси, ошхона, кутубхона, ўқиш зали, бассейн ва бошқа қўшимча бинолар туну кун улар хизматида. Ҳар бир ётоқхона ва бино атрофида турли хил анвойи гуллар очилган.

Оромгоҳда ҳордиқ чиқараётганларнинг кўпчилиги туманнинг узоқ яқин қишлоғу овулларидан келган бўлиб, уларнинг кўнгилли дам олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Дам олиш масканида ҳордиқ чиқараётганларнинг сайру саёҳат ва машғулотлардан кейинги бўш вақтларини мароқли ва мазмунли ўтказишлари учун бу ерда тез-тез қизиқарли кинофильмлар намойиш этиб турилади, концерт дастурлари ташкиллаштирилади. Болалар кунига тўрт маҳал иссиқ овқат истеъмол қилишади.Иссиқ чой, сарғ, қандшакар сингари ширинликлар, турли сервитамин сабзавотлар ҳам доим бор.

Шулар қаторида замонавий футбол ўйингоҳларидан қолишмайдиган стадион ёшлар хизматида. Болалар бу ерда турли хил спорт ўйинлари билан шуғулланишмоқда. Масалан, югуриш, шахмат-шашка, волейбол, бокс, футбол бўйича мусобақалар мунтазам ўтказиб турилибди.

Ўғил-қизлар бу ерда кўнгилдагидек дам олиш билан бирга кўҳна қишлоқлар тарихини ўрганишмоқда, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз, одоб-ахлоқ, мустақиллик ва эркинлик шабадалари ҳақида, уларнинг хосияти тўғрисида турли тадбирлар, ўйинлар уюштиришмоқда, мазмунли суҳбатлар тинглашмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб ўғил-қизлари дам олаётган ота-оналарга яратилган имтиёзлар ҳақида ҳам сўрадик:

—Аввало бу йил болалар дам олиш масканлари учун кўпроқ пул ажратилганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.Энди ўғил-қизлари ҳордиқ чиқараётган ота-оналарга бериладиган бевосита имтиёзларга келсак, вилоят касаба уюшмалари қўмиталари жами йўлланмаларнинг 50 фоизини тўлиқ ўз ҳисобларидан тарқатишди, қолган 50 фоизини эса жамоа хўжаликлари тўлади. Туман ҳудудида жойлашган оромгоҳларда ҳар бир йўлланманинг баҳоси 2,5 минг сўмга тушяпти. Ҳар бир боланинг овқатланиши учун кунига 75 сўм сарфланяпти.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
Хатирчи тумани.

***

ОРОМГОҲДА БАЙРАМ КЕЧАСИ

Тошкент кабелсозларининг Бўстонлиқ туманидаги Хондойлиқ қишлоғида болалар оромгоҳларини ташкил этиш ер қимирлаш йилига тўғри келганди. Тезда битказилиб ишга туширилган оромгоҳ кўп ўтмай жажжи ўғил-қизларимизнинг севимли масканига айланиб қолди. Бу йил ана шу дам олиш масканининг ишга тушганига ҳам 30 йил тўлибди. Ўтган давр мобайнида бу ерда кабелсозларнинг фарзандларидан ташқари шаҳримиздаги кўплаб ташкилот ва муассасалар ҳамда корхоналар ишчи-хизматчиларининг фарзандлари ёзги дам олиш таътилларини мароқли ўтказдилар. Ёз мавсумида бир ярим минг болажонларни бағрига оладиган бу оромгоҳда республикамиздан ташқари Украина, Белоруссиядан келган ҳамда Чернобил ҳалокатидан жабр кўрган оилаларнинг ўғил-қизлари ҳам дам оладилар. Мана уч-тўрт йилдан бери оромгоҳда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан келган болалар меҳмон бўлиб ҳордиқ чиқаришмоқда.

Яқинда оромгоҳда масканнинг 30 йиллиги муносабати билан болалар учун «Олтин ёзнинг сўнгги кунлари» деб номланган фестиваль ўтказилди. Унинг дастуридан турли кўрик-танловлар, болалар жамоасидан ташкил топган ҳаваскорлик дасталарининг чиқишлари, викториналар ўрин олган бўлиб, байрам тантаналари кечгача давом этди. Унда «Ўзкабель» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси раҳбарлари билан бир қаторда республика ва шаҳар тармоқ касаба уюшмаларининг раҳбарлари ҳам иштирок этишди. Узбекистон машинасозлик саноати касаба уюшмалари марказий қўмитасининг раиси Шавкат Одилов, Тошкент шаҳар машинасозлик саноати касаба уюшмалари ходимлари қўмитасининг раиси О.Сафоевлар сўзга чиқиб барчани байрам билан қизғин қутладилар. Кеча сўнгтида оромгоҳ ходимлари, тарбиячилар ва кўрик-танлов ғолибларига қимматбаҳо совғалар ҳамда пул мукофотлари топширилди.

Олтин ёз — шошилма бир оз

Дония ЗОКИРОВА.

Акс садо

«МАЪРИФАТ»ДА ҲИКМАТ КЎП

Газетанинг шу йил 13-сонидаги «Дарахтлар илтижоси» сарлавҳали мақолани ўқиб, синф мажлисларида, тарбиявий соатларда ишлаб чиқдик. Дарахтларга озор бермаслик, уларни кўпайтириш ва парваришлаш хусусида қарор қабул қилдик.

«Келар гапни келин гапирибди» деган нақл бор халқимизда. Урни келганда афсус билан айтиш керакки, Қоратепа жамоа хўжалигида 12 мингдан зиёд киши яшайди. Улар орасида табиатга ваҳшийларча муносабатда бўлганлари ҳам бор. Ҳосилдор тут, олма дарахтларини кесиб бораётганларини ўз кўзим билан кўриб, танбеҳ берганларимни «Дарахтлар илтижоси» мақоласини ўқиб эслай бошладим.

Дарахтларни пайҳон қилаётганларга бир ҳикоят айтишни лозим кўрдим: 114 та халифанинг (шогирд-ўринбосарнинг, шу жумладан ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг) устози ҳазрат Саййид Мир Кулол ҳали ёшлик чоғларида Ромитан туманидаги боғларнинг бирида ёру биродарлари билан келишиб, чопонларини ювибди. Шунда ҳазрат Саййид Мир Кулол:

— Эй ёронлар, чопонларни пахса девор устига ёпмайлик, чунки унда ўсиб чиққан тиканларга озор етади, зиҳҳор дарахт шохларига ҳам ташламанглар, ўт-ўланлар хароб бўлур», — дебди. Бу гапдан сўнг не қилишларини билмай қолган биродарлари: «Эй Амир, сиз ўз чопонингизни қандай қилиб қуритасиз, токи биз ҳам шунга амал қилайлик!» — дейишибди.

«Мен чопонимни устимга олиб, офтобрўяда ўтириб қуритаман эй, ёронлар! Агар пахса девордан бир парча узилиб ерга қуласа, ё дарахт шохи синса, ёки чорва моллари озиқланадиган ўт-ўланларга шикаст етса, Худованднинг бу боғига не узрни билдирурмиз?! Зиҳҳор шариатга зид ишларга, агарда улар кичик бўлса ҳам йўл қўйманг. Чунки кичик гуноҳлар ҳам такрор-такрор содир бўлса, дузахга олиб борур» деган эканлар.

Ҳикоятдан кўриниб турибдики, тариқат пири комили ҳазрат Саййид Мир Кулол болалигидан табиатга юракдан меҳр қўйганлар. Бу меҳр ила 114 та ўринбосар тарбият қилганлар.

Тарбиявий соатларда, умумий йиғинларда, ота-оналар йиғилишида ўтган улуғларнинг, алломаларнинг ўгитидан кенг фойдаланса, ўқувчиларда табиатга ҳам, жамиятга ҳам, она-Ватанга ҳам меҳр-муҳаббат уйғота оламиз. Бундай пурҳикматларни газета кўпроқ ёритиб борса, биз муаллимларга катта ёрдам қилган бўларди.

С. ОСТОН,
Қамаши туманидаги 74-ўрта мактаб директори.

Қатралар

БАЙРАМДАН БОШҚА КУНЛАР

Шанба, якшанбаларни, катта-кичик байрамларни ҳамиша орзиқиб кутамиз.

— Эҳ, тезроқ кела қолсайди ўша кун, — энтикади дил.

Орада жимгина, гоҳо бесамар, беиз ўтиб кетаётган кунлар ҳам умр эканлиги кўпинча ёдга келмайди.

ДАВРА

Эшик очилиб, ибо кирди — ғурур дея қабул қилдилар. Гул-гул ёниб ҳаё кирди — димоғ дея қабул қилдилар. Бир-бир босиб иффат кирди, номус кирди — нозу фироқ дея қабул этдилар...

Нақадар аянчли, ожиз эди бу давра.

ДАВЛАТ

Баъзан сўрашар эди:

— Ота-онангиз ҳаётми?

— Ҳа, — дердим бепарво.

— Бадавлат экансиз...

Тирикчиликнинг беадоғ ташвишлари билан овора бу безовта жонларнинг қандай давлат эканлигини илк бор отамдан айрилган куни англадим.

Жамила ЭРГАШЕВА.

ЎЛИМДАН АСРАБ ҚОЛГАН ҲУНАР

Воқеа

Ётоқхонанинг тўққизинчи қаватида бир-биримизга анча синашта бўлиб қолган тўрт-беш киши яшардик. Бир куни ишдан қайтгач, сафимизга янги одам қўшилганидан хабар топдим. Қосим ака (янги одам) ўрта яшарлар, оғир-вазмин, камгап киши экан. Кейинчалик мен у билан анча чиқишиб кетмаганимда, бошқа қўшниларим каби, уни «одамови» деб ҳисоблаган бўлардим, балки.

Қосим ака ётоқхонадаги ҳаётини кўримсизгина ошхонага биқиниб олиб, уз юмушига машғул бўлиш билан бошлади. Қўшниларим пойтахтнинг турли бурчакларида ишлаб, кечқурун кўчанинг овқатидан кекириб кириб келадиган, ётоқхонада «ит ётиш, мирза туриш» қабилида яшашга одатланган ҳавойи йигитлар эди. Уларнинг азбаройи ошхонага эҳтиёжлари бўлмагани боис, бу жой ҳувиллаб ётарди. Бу ҳол янги танишимизга кўп маъқул тушди шекилли, катта тоғора, ҳар хил буёқ солинган идишлар ва бир даста қоғоз билан ошхонани тўласинча «ишгол қилди». Қосим ака буёқчи-рассом экан. У қоғозларга ранг берар, ёйиб ташлар, қуритар, яна йиғиб олиб, тахлаб қўярди. Узининг айтишича, бу қоғозларни деворга ёпиштирса, мармар кўринишини берармиш.

Мен бўш вақтларимда устага ёрдамлашадиган бўлдим. Қосим ака ишидан кўнгли тўлган пайтлари бирон воқеани айтиб берар, асосан эса, жимгина ишларди. «Биласизми, мени ҳунарга ким қизиқтирган», сўради бир куни уста. «Йўқ», дедим. «Муаллимимиз, мактабда расм-чизмачиликдан дарс берган муаллимимиз». Кейин ўзининг жўнгина фалсафасини айтди: «Муаллимнинг ўқувчиларига сўзлаб берадиган, ўзи бошидан кечирган ибратли воқеалари бўлмоғи керак. Шунда у болаларда кучли таассурот қолдиради».

Расм-чизмачилик муаллими уруш қатнашчиси экан. Дарҳанинг нечоғли рост, тоғиб айтилганини мен бир гал жуда чуқур ҳис қилганман.

Урушнинг қоқ авжи эди. Бўлинмамиз аскарлари сийрак ўрмонда, жанг қизғин кетаётган нуқталардан бирида фаолият кўрсатишарди. Ён-веримиздан ўқлар вишиллаб учар, тепадан душман самолётлари тинимсиз бомба ёғдириб ўтарди. Хандақларга бағримизни бериб ҳимоя, кези келса ҳужум қилиб турарқиқат, муаллимнинг болаларда, хусусан устада қолдирган кучли таассуроти, собиқ ўқувчисининг юз-кўзларида акс этиб турарди. Алоҳа, уста ўқитувчиси ҳақида сўзлай туриб, унинг болаларга айтиб берган бир ҳикоясини муаллим тилидан айтиб берди.

«Халқимизда «Ҳунарли минг яшар» деган нақл бор. Бу нақлнинг маъноси ҳеч ўзгармаган. Ҳунарсиз одам ҳеч нарсага ярамайдиган, ҳеч нарсага ярамайдиган, ҳеч нарсага ярамайдиган... Ҳунарсиз одам ҳеч нарсага ярамайдиган... Ҳунарсиз одам ҳеч нарсага ярамайдиган... Ҳунарсиз одам